



ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — АСОСИЙ БУРЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 6 май куни Яшнобод туманида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда пойтахтимизни келгуси беш йилда ривожлантириш бўйича ўз дастурий тақдим қилган ва бу борада аниқ тақлифлар илгари сурган эди.

Дунё бозорида рақобатбардош саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш, тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва улар ҳудудини ободонлаштириш, шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш, экология ва санитария муҳитини яхшилаш, метро, автомобиль йўллари ва кўприклар қурилишини давом эттириш, профилактика инспекторлари институтини мустахкамлаш, аҳолининг китобхоналик маданиятини ошириш, дори-дармонларга нарх белгилашни тартибга солиш. Бу масалалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда айтилган режа ва тадбирларнинг бир қисми.

Ўтган вақт мобайнида юқорида санаб ўтилган масалаларнинг барчаси бўйича фармон, қарор ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси изчил таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ойбек кўчасидаги кўп қаватли уйларда ишга туширилган замонавий, энергетикадор технологияларни бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хонадонлар ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги «2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини янгилаш ва модернизация қилиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларида локал иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича кенг қўлмали вазибалар белгиланган.

Пойтахтимиздаги марказлашган иссиқлик таъминоти тизими усқуналари ва тармоқлар техник ва маънавий эскиргани, марказий қозонхоналар истеъмолчилардан узоқ жойлашгани сабабли иссиқлик етказиб беришда айрим муаммолар юзага келмоқда.

Президентимиз қарорига асосан пойтахтимиз туманларида замонавий қозонхоналар қуриш, қуёш энергияси билан сувни иситиладиган геотермал маҳаллар негизда уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқлик билан таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, жорий йилда пойтахтимизда 211, жумладан, кўп қаватли уйлар том қисмида 134, мавзёлар ҳудудидида 77 қозонхона қурилади. Ушбу мақсадлар учун сарфланган 170 миллион сўм маблағ тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ойбек кўчасидаги 40- ва 42-уйларда ишга туширилган қозонхоналар геотермал сув иситкичлари билан жиҳозланган. Бу қозонхона аънавий марказлашган иситиш тизимига қараганда бирмунча афзалликларга эга. Қозонхонада замонавий технология асосида қуёш нуридан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилиб, сув хонадонларга тақсимланади. Бу табиий газни тежаш, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб беришда йўқотишлар ва авария ҳолатларининг олдини олиш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш имконини беради.

Қозонхонада соатига 416 киловатт иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 460 миллион сўм бўлиб, харажатлар «Тошиссиқуввати»

ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси ҳисобидан қопланган. Уй юқорисидидаги техник қаватда қозонхона, томда қуёш коллекторлари ўрнатилган.

Қуёш сув иситкичлари экологик тоза, кўп хизмат талаб этмаслиги ва узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Бундай технологиялар нафақат қуёшли, балки булутли кунларда ҳам энергия ишлаб чиқара олади.

Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишдир, деди Президентимиз. Коммунал соҳани янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун қуёш энергияси асосида ишлайдиган иссиқлик энергияси тизимига ўтишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Тошкент шаҳрида келгуси уч йилга мўлжалланган алоҳида тизим ишлаб чиқилади. Бу тизим қуёш энергияси ёрдамида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув ва энергия билан узлуксиз таъминлаш, энергия ресурсларини тежаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари геотермал маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари билан танишди.

Қозонхоналар қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, малакали мутахассисларни жалб этиш борасида зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев «Тошкент қоғози» масъулияти чекланган жамияти ташриф буюрди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясида белгиланган вазибаларга мувофиқ ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, халқимизнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-ҳомашё, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда.

«Тошкент қоғози» масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 12 гектардан зиёд, бино ва иншоотлар майдони 4,5 гектар. Бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур инфратузилма, тайёр имконият мавжуд. Бу салоҳиятдан фойдаланиш мақсадида жамият ҳудудидида кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз бу ердаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, завод биноларини ишбилармон ва тадбиркорларга имтиёзли асосда бериш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида Яшнобод туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Туманда саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилган.

Яшнободда қайси йўналишларга эътиб қўлигидан келиб чиқиб алоҳида тизим яратиш керак. Бизнес-инкубаторлар ташкил этиш орқали одамларнинг ишончини ошириш, дунёқарабини ўзгартириш, тадбиркорликка жалб этиш лозим. Бозорни ўрганиб, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий фикрлайдиган ёшларга кенг имконият бериш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Тижорат банклари кўмағида туманда дори ва тиббиёт воситалари, маҳсул кийимлар, қоғоз, ламинат панеллар, ёғ ва ем маҳсулотлари, травертин ва мрамор плиталар, сим ўрамлари ишлаб чиқариш, кўнгилочар масканлар, замонавий бозор ва хусусий клиника ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган тадбиркор ва инвесторлар билан суҳбатлашди. Режаларни ўз вақтида амалга

ошириш, ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз кутилмаганда 32-оилавий поликлиникага кирди.

Давлатимиз раҳбари поликлиниканинг иш тартиби билан қизиқди. Тиббиёт муассасасининг самарадорлигини ошириш, уйларга чиқиб, аҳолига патронаж хизмати кўрсатишни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Мавжуд муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш, поликлиникани таъмирлаш ва аҳоли учун қулайликларни ошириш, тиббий ёрдам камровини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинганида ҳам катта маъно мужассам. Зеро, инсон манфаатлари деганда инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилди.

Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бир неча мартта учрашиб, бирламчи тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Соҳа ривожига қаратилган бир неча фармон ва қарорлар қабул қилинди, уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

32-оилавий поликлиника 27 минг 300 га яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Болалар ва туғиш ёшидаги аёллар, кексалар чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиздаги ҳар бир поликлиникага тез тиббий ёрдам машиналари ажратилди. 32-оилавий поликлиникада ҳам тез тиббий ёрдам пункти фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз шу ерда маҳалла аҳолиси билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистонда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш жадал суръатда ривожланаётди. Бу борада, айниқса, электр техника саноати юқори натижаларга эришмоқда. Тармоққа катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этилган ҳолда янги-янги корхоналар ташкил қилинмоқда. Замонавий усқуналар билан жиҳозланган бу корхоналарда экспортбоп истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда «Artel» бренди остида музлатич, телевизор, кир ювиш машинаси, газ плитаси, кондиционер, микротўлқинли печь, чанглотич, қўл телефони каби энг сўнгги русумдаги маъиш техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Шавкат Мирзиёев заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Маҳсулотлар тури, сифати ва ишчи ўринлари билан қизиқди.

«Artel» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмаси намойиш этилди. Президентимиз кўрғазма билан танишиб, маҳсулотлар турини қўлайтириш бўйича тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Шу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқотнинг муҳим тизимига айлангани, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ НОМИДАН ХОЛҚЎЗИ БОБОГА УЙ БЕРИЛДИ

Сирдарёлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Холқўзи Тошқўзиева Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриғи ҳамда Гулистон шаҳридаги кўп қаватли уйдан 2 хонали хонадоннинг қалити тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Уй-жойга эътиёж борларга турар жой ажратиш, навбатсиз ҳаж сафарига буюриш, навбатсиз автомобиль сотиб олиш учун

сертификатлар, 2 миллион сўмдан пул мукофоти топширилмоқда.

Холқўзи Тошқўзиева 1943 йили 18 ёшида урушга кетиб, фашизмга қарши жангларда иштирок этди. Бир неча бор яраланди. Ҳозирги Калининград шаҳри учун бўлган қақшатқич жангда яраланди. Госпиталда даволаниб қайтган, сапёр сифатида хизматини давом эттирди. Урушдан кейин ҳам ҳарбий қўшин сафида ҳудудларни фашист босқинчиларидан қолган миналардан тозалаш ишларида фаол иштирок этди. Зарарсизлантириш операцияларидан бирида жароҳатланиб, яна госпиталга тушди. 1952 йилдагина уйига қайтди.

— Турмуш қурганимизга 60 йилдан ошди, — дейди Холқўзи бобонинг турмуш

ўртоғи, кекса педагог Мукаррам Тошқўзиева. — Шундай дорилармон кунларга етказганига шукр. Фарзандлар, набираю чеваралар тус-туғал. Бири ишласа, бошқаси ўқийди.

Президентимизнинг байрам табриғи, янги уйнинг қалити ва кўпжаб совға-саломларни олган Холқўзи бобо нуронийларга, айниқса, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун мамлакатимиз раҳбарига, ҳукуматимизга, барча саховатли инсонларга миннатдорлик билдириб, юртимизда Ҳинчлик-осойишталик барқарор бўлишини талаб, дуо қилди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф.Мирзаев сўзга чиқди.

**А.КАЮМОВ,
ЎЗА муҳбири.**

Бокс: Осиё чемпионати

4 ЖАНГДА 4 ОЛТИН!

TASHKENT | UZBEKISTAN

APRIL 30 - MAY 7, 2017




Исроил Мадримов



Элнур Абдураимов



Муроджон Аҳмадалиев



Бектемир Мелиқўзиев

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича Осиё чемпионати бугун якунига етади. Нуфузли мусобақанинг кеча бўлиб ўтган дастлабки финал жангарида 4 нафар боксчимиз чемпионлик учун жангга чиқиб, барчаси ғалаба қозонди!



Фотурх АЛИЕВ оғам сураётган.

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ КЕРАК

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари уруш қатнашчилари хонадонларида бўлишди

Биз — тинчликсевар халқимиз. Тотувликда яшаш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат тушунчалари қон-қонимизга сингиб кетган.

Бир ўйлаб кўрайлик. Нотинч юртда ҳаловат бўладими? Туну кун оиласи, фарзандлари ва яқинлари омонлигини ўйлаб яшайдиган одам ўзини бахтли ҳис қила оладими? Йўқ, албатта. Аксинча, тинчлик, осойишталик бўлган жойдагина бунёдкорлик бўлади, тараққиёт бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Кексаларимиз ёшлар эъзози ва эътиборида» лойиҳаси доирасида амалий тадбир ташкил этилди.

Партия фаоллари билан дастлаб «Ғазалкент» қишлоғи томон йўл олди.

— Бугунги кунда туманимизда 12 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси яшайди, — дейди туман партия кенгаши раиси Олим Бобоев. — Уларни тез-тез йўқлаб турамыз. Уруш хотираларини тинглаймиз. Кўпинча партияимизнинг ёш аъзоларини ўзим билан бирга олиб келаман. Улар отахон ва онахонларнинг сўзларини диққат билан тинглашади, маслаҳатларини олишади. Бугун эрта тонгдан бир гуруҳ ёшлар келишди. Мақсад — уруш қаҳрамонлари ҳолидан хабар олиш.

«Ғазалкент» қишлоғида яшовчи уруш ногирони Холим Холтаев хонадонига кириб боришимиз билан отахон ёшлар қуршовида қолиб кетди. Сўхбат давомида Холим бобо йигит-

қизларга уруш хотираларини сўзлаб берди.

— Урушни унутишни ис- тайман, лекин ўчмас хоти- ралар дилни ўртади, болам, — дейди у. — Уруш бизнинг ёшлигимизни, орзуларимиз- ни ўғирлади. Куну тун ухла- маган пайтларимиз бўлган. Ярадорлар, ҳалок бўлганлар охи-зори ҳамон қўлоқларим остида эшитилади. Уруш миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди, қанчадан- қанча болаларни етим қилди.

Бобонинг уруш йиллари- даги хотираларини тинглар эканмиз, тинчлик энг улуғ неъматлигига яна бир бор амин бўлдик.

«Хондойлик» қишлоғида яшовчи Кабир Умаровни ҳамма билди. Чунки у уруш қатнашчиси.

— Болам, уруш қанчадан- қанча ёш йигит-қизларнинг умрига зомин бўлди, — деди отахон. — Ҳамма ҳам жанг майдонларида ҳалок бўлган эмас. Қаҳратон совуққа дош беролмай вафот этганлар ҳамма билди. Чунки у уруш қатнашчиси. — Болам, уруш қанчадан- қанча ёш йигит-қизларнинг умрига зомин бўлди, — деди отахон. — Ҳамма ҳам жанг майдонларида ҳалок бўлган эмас. Қаҳратон совуққа дош беролмай вафот этганлар ҳамма билди. Чунки у уруш қатнашчиси.

Кимдир оёқларидан ажралган, кимдир қўлидан... Ҳар бири- нинг ортидан қанча одам қон йиғлаб қолди. Хуллас, бундай- лар кўп эди. Бир яқин саф- дошим оёғидан ярадор бўлди, ноилж икки оёғини кесиб ташлашди. У ҳали жуда ёш эди. «Бу аҳволда яшашнинг нима кераги бор», деб фарёд уриб йиғлаб чиқарди.

Кабир бобо билан сўхбат- лашгач, у кишининг узоқларга тикилган нигоҳларида нималар акс этганини англагандай бўлди. Бобо урушнинг муд- ҳиш оқибатларини, қуролдош- лари бошидан ўтказган қи- йинчиликларни кўп ўйлар экан...

Яна бир уруш қатнашчиси Тоштурғун Шонисёев хонадо- нига борганимизда, отахон оила аъзолари билан дастурхон атрофида экан. Кейин билсак, фарзанд ва неваралари бобо- дан хабар олгани келишган экан. Биз ҳам уларнинг қато- рига қўшилдик. Ёнимиздан жой олган Мухтабар опа би- лан сўхбат қурдик.

— Отам негадир уруш хо- тираларини сўзлашни унча- лик ҳуш кўрмайди, — деди у. — Бир кун отамнинг кўзи- да ёш кўрдим. Хавотирла- ниб ҳол-аҳвол сўрадим. Қуролдош бир дўстининг гапи ёдига тушиб кетган экан. «Мен урушга келатган- нимада хотинимнинг ой кун- и яқин эди. Болам учун со- саломат қайтаман, деб ваъда бергандим. Фарзандим туғи- лди қолгандир...», деган эди. Лекин у ваъдасининг усти- дан чиқолмади, урушда мар- дарча ҳалок бўлди».

Тоштурғун бобо ана шун- дай хотираларини бизга ҳам гапириб берди.

«Қоранқул» қишлоғида яшовчи Мирхалиқ ота Исмаилов ҳам уруш қийин- чиликларини бошидан ўтказ- ган. Партияимизнинг «Истиқ- бол» ёшлар қаноти аъзолари отахоннинг хонадонига ҳам бўлишди. Уй юмушларига ёрдам бериб, эсдалик совға- лари топширишди.

— Бу йўқловлар кўнгли- мизни тоғдек кўтарали, — деди Мирхалиқ бобо. — Бу- гунги тадбир ташкилотчилар- га раҳмат.

Хуллас, катта таассуротлар билан пойтахтга қайтдик. Ик- кинчи жаҳон уруши қатнаш- чилари билан сўхбатимиз, улар айтиб берган воқеалар йўл бўйи хаёлимизни тарқ этмади. Бу ҳу- лоса эди, сабоқ эди: «Тинч- ликнинг қадрига етиш керак».

ЎзХДП Марказий Кенга- ши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Умрбек Бектемиров учрашувлардан олган таассу- ротларини сўзлаб берди:

— Бугунги учрашувлардан жуда ҳаяжонландим. Уруш қатнашчилари олдида қарзи- миз кўпчилигини янада чуқур- роқ англадим. Минг афсуски, уларнинг сафи йилдан-йилга камайиб бормоқда. Улардан эшитилганларимиз бизга ҳаёт йўлида асқотиши табиий. Бун- дай сўхбатлар ёшларнинг ҳар томонлама огоҳ ва ҳушёр бўлиб улғайишида, ҳаётни чу- қурроқ тушуниб етишида му- ҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат шундай. Ну- роний кишилар билан дил- дан сўхбатлашиш, уларнинг хотираларини тинглаш биз, ёшлар учун катта сабоқдир...

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Хотин- қизларнинг ижтимоий-сиё- сий фаоллигини ошириш сектори, Боғот туман партия кенгаши фаол- лари ва депутатлари «Миришкор» қишлоғи- нинг «Қашқарлар» ма- ҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жа- ҳон уруши қатнашчиси Екатерина Ларбукина хонадонига бўлишди.

Хоразмлик Катюша МОМО

Екатерина Ларбукина қиш- лоқдошлари эркалатиб «Катюша момо» деб чақиришар экан.

Уруш пайтида кўрган-кечирган- ларини ҳикоя қилаётиб, унинг кўзларига ёш қалқийди.

— Мен ва 5 нафар дугонамини урушга олиб кетишганида 16 ёшда эдик, — дея гап бошлади у. — Парашотда тушиш машқлари пай- тида менинг юрагим панд бергани сабабли, радиоалоқа соҳасига олишди. Дугоналарим эса тайёр- гарликдан кейин биринчи топши- риқларни бажаришга кетиб, қай- тиб келишмади. Мен то Берлинга- ча бордим.

Ниҳоят уруш тугаб, Москва яқинидаги уйимга қайтиб келдим. Жангларда кўрган-кечирганларим кўз олдимдан кетмай, кечалари ух- лай олмай, азобланиб чиқардим. Буларнинг барчасини биров бўлса- да унутиш, чалғиш мақсадида 1946 йилда институтга ўқишга қирдим.

Тақдир тақозоси билан Ўзбекис- тонга келиб бўлиб тушдим. Тур- муш ўртоғим билан 1955 йилда шу ерга, яъни туманимиздаги ҳозирги «Миришкор» қишлоғига кўчиб кел- дик.

7 нафар фарзанд кўрдик. 1994 йилда турмуш ўртоғим Одамбой Отамуродов ва ундан кейин қизим Наташа оламдан ўтди. Бу мени қаттиқ изтиробга солди. Ҳозирги кунда 11 нафар набиранинг севи- ми бўлиб жонимизиман.

Бугунги тинч ва фаровон ҳаёти- мизга кўз тегмасин. Биз шундай кунларда яшашни орзу қилган эдик. Мана, Яратган насиб этган экан, ўзига шукр, — дея сўзига яқун ясади Катюша момо.

— Партияимиз аҳолининг ижти- мий ҳимояга эҳтиёжманд, кам да- ромадли қатлами, кексалар, пен- сионерлар манфаатларини ҳимоя қилади, — деди ЎзХДП Боғот туман кенгаши раиси Икром Юсунов. — Партияимиз ана шундай тадбир- лар орқали ҳам ўз электоратини моддий ва маънавий қўллаб-қув- ватлашга интилади. Бугунги йўқлов тадбиримиз ҳам бевосита ана шу мақсадда ташкил этилган.

— Ҳозирда Хоразм вилоятида 85 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда, — деди халқ депутатлари Боғот ту- ман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳанифа Маткаримова. — Жойларда партияимиз томонидан ташкил этилаётган тадбирларда уларнинг ҳаммаси ҳам иштирок эта олмаяпти. Шу сабаб алоҳида пар- варишга муҳтож фахрийларимиз- нинг уйларига бориб, табриклаб келидик. Фарзандлари, набиралари қуршовида кексалик гаштини сў- раётган нуронийлар юз-кўзидаги шукроналикни ҳеч нарсага қиёс- лаб бўлмайди. Биз уларни нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар доим ардоқлаб, ҳурмат- иззатини жойига қўйишимиз зарур.

Озода ҚУЛИМОВА,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши сектор мудир.

Мўмин ота Ҳайиткуловнинг ёшлиги Иккинчи жаҳон урушининг суронли йил- ларига тўғри келди. 17 ёшида урушга кетиб, Украинадан Берлин остонасигача бўлган жангларда қатнашган. Бугун фар- зандлари ардоғидаги отахон кексалик гаштини сурмоқда. Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ҳамда Оҳангарон туман кенгашлари фаоллари байрам арафаси- да унинг хонадонига ташриф буюришди.

«Хотира боқийдир, қадр — муқаддас»

— Доимо давлатимиз, халқимиз эътиборида экан- нимиздан жуда хурсандман, — дейди отахон. — Пенсиямиз етарли, шароитларимиз яхши. Шундай бўлса-да, кун кеча Президентимиз қарори асоси- да икки миллион сўм пул мукофотини олди. Мен- га кўрсатилаётган ҳурмат-иззатдан фарзандларим- нинг ҳам қувончи чексиз. Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

«Хотира боқийдир, қадр — муқаддас» мавзусида- ги тадбирда бундай тилак ва истаклар бот-бот так- рорланиб турди. Бир пиёла чой устида тумандаги Уруш ва меҳнат фахрийлари дийдорлашди.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда инсон қадри улугланаётгани, ижтимоий ислохотлар натижасида фуқароларнинг турмуш шароитлари яхшиланиб бо- раётганини алоҳида эътироф этишди.

Шу кун партия фаоллари тадбирда иштирок этол- маган «Қорахитой» маҳалласида яшовчи Абдурахим ота Кўчқоров ва Галима ая Тўрахонова хонадонига бориб, уларни байрам билан табриклаб, совғалар топширишди.

Шерали ҚУТЛИМУРОВА,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШОНЧ ВА ТАЯНЧ МАСКАНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қоши- даги Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли муам- моларини ўрганишнинг самарали механизмига айланганига анча бўлди. Аммо шиддат билан илдамлаб бораётган ҳаёт қабулхоналар ишини тубдан тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Сур- хондарё вилоятида ҳам бу борада бир қатор иш- лар амалга ошириляпти.

— 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши аҳолининг ижтимоий ёрдамга эҳтиёж- манд қатлами манфаатини ҳимоя этиш ғоясини илгари сураётган партияимиз зиммасига ҳам катта масъ- улият юклайди, — дейди ЎзХДП Шўрчи туман кен- гаши раиси Ботир Ражабов. — Туманимизда партияимиз- нинг 2500 нафарга яқин аъзоси, 41 бошланғич таш- қилоти бор. Партияимиздан сайланган 10 нафар депу- тат фаоллар билан ҳамкор- ликда Жамоатчилик қабул- хоналарига бўлаётган муро- жаатларга ечим топишнинг янги ҳақиқатини фойдала- нилишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, жойларда кўчма Жамоатчилик қабулхонала- ри ташкил этиляпти. Унда депутатлар, ҳуқуқшунослар иштирок этапти. Бу орқа- ли халққа яқин бўлиш,

аҳолини ўйлантираётган муаммоларни эрта аниқлаш имкони ортмоқда.

Қабулхоналарга бўлаёт- ган мурожаатлардан маълум бўлишича, одамларни ком- мунал хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим тизимида- ги камчиликлар кўпроқ ташвишга солмоқда.

— Жамоатчилик қабул- хонаси шахсан менга ҳам ёрдам берган, — дейди «Бахтлигана» маҳалласидан Нурулло Холбоев. — Оила- ла ўн кишимиз. 2009 йилда хонадонимизни табиий газ тармоғидан уздирдим. Ҳолат юзасидан 2009 йил- нинг 8 августидан мутасад- дилар иштирокида далолат- нома ҳам тузилган.

2017 йилнинг бошлари- да «Шўрчитумангаз» фили- али томонидан 1 миллион сўм қарзимиз борлиги ҳақида хабар келди. Шу- нинг учун бизга суюлтирил- ган газ баллони берилмас

экан. Масала юзасидан фи- лиал мансабдорларига бир неча марта учрашдим. Улар бугун ҳал бўлади, эртага ке- линг, деган баҳоналар би- лан анча овора қилишди.

Шундан кейин ЎзХДП Шўрчи туман кенгашида таш- қил қилинган Жамоатчилик қабулхонасига бордим. Кўп ўтмай табиий газ тўловидан қарзимиз йўқлиги аниқланди ва газ баллони берилди.

— Айрим маҳаллий раҳ- барларда ҳамон лоқайллик кузатишмоқда, — дейди Бобур маҳалласидан Насиба Очилдиева. — Бундан табиий газ ва электр энергияси ти- зимида учраётган суъбий тўсиқларда яққол кўриш мумкин. Табиий газдан қар- зимиз йўқлиги ҳақида маъ- лумотнома керак бўлиб қолди. Хуллас, бир ойда яқин «Шўрчитумангаз» филиали- дан ҳужжат ололмадим. Жа- моатчилик қабулхонасига му- рожаат қилганимдан кейин масала ижобий ечим топди.

— Жамоатчилик қабул- хонасида ҳар бир мурожаат тезкорлик билан ҳал қили- нар экан, — дейди «Оққўр- мон» маҳалласидан Қизлар- хон Ҳотамова. — 2016 йил- нинг сентябрь ойидан ви- лоят кўзи оқиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-

интернатида фаррош бўлиб ишлай бошладим. Жорий йилнинг январига қадар маош беришмади. Масала юзасидан бир неча марта раҳбариятга учрашдим. Аммо фойдаси бўлмади.

Жамоатчилик қабулхо- насига бордим. Депутатлар ҳамда партия фаоллари кўмаги билан ойлик маош- им тўлиқ ундириб берил- ди. Бундан оила аъзолари- миз ҳам хурсанд бўлдик.

Электрот вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг дардини тинглаш ва муам- моларига ечим топишда партияимиз мутасадди таш- қилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Жорий йил- нинг ўтган даврида «Какан» ва «Кўштегирмон» маҳалла- сида ташкил этилган кўчма Жамоатчилик қабулхонаси туфайли ўнга яқин муаммо жойида бартараф этилди.

Шу билан бирга, қабул- хоналарга мурожаат қил- ганларга касаначиликни ривожлантириш, қишлоққа сааноатни олиб кириш, хо- тин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш бораси- да ҳуқуқий маслаҳат ва ама- лий ёрдам кўрсатилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли муаммоларини ўрганишнинг самарали механизмига айланган.

Фарзандлар оталар ҳақида

Ўтган асрнинг 70-йиллари. Мактабда бошланғич синфда ўқийман. Ҳар йили 9 май — Галаба байрами сифатида нишонланар, мактабга уруш қатнашчилари таклиф қилиниб, улар болаларга уруш ҳақида гапириб беришар эди.

ОТАМ ДОИМ «УРУШ БАЛОСИНИ БИЗ КЎРДИК, СИЗЛАР КЎРМАНГЛАР», ДЕР ЭДИ...

Менинг отам Қўзйой Раҳимов ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, II гуруҳ уруш ноирони эди. У кишини 16 ёшида урушга олиб кетишган экан. Лекин отамни учрашувларга чақиришмас эди. Кўпроқ бошқалар таклиф қилинарди. Мен отамнинг ҳам давраларга чақиришларини жуда-жуда истар эдим. Тасаввур қилинг, отангиз ўртоқларингиз олдида уруш хотираларини гапириб берса, албатта фахрланасиз.

Ҳозир ўша вақтларга эсласам, отамни нақадар камтар ва ҳокисор инсон бўлгани ҳақида ўйлайман. Мактабдаги учрашувлардан кейин уйга келиб, отамга уруш қатнашчилари айтиб берган воқеаларни бирма-бир гапириб берар эдим. У киши диққат билан тинглаб, секин хўрсинарди. Мени уруш хотиралари қизиқтирарди. Отамни саволларга кўмиб ташлардим.

— Эй болам, мен олдинги фронтда фақат 6 ой жанг қилганман холос. Сenga нимани ҳам гапириб бераман, — дерди у.

Кунлардан бир кун телевизорда Курск остонасида бўлган жанг ҳақида кинофильм намойиш этилди. Отам уни жуда ҳаяжон билан кўрди, кўзларига ёш қалқиди.

Кейин билсам, отам ўша Курск остонасида бўлган жангда иштирок этган экан. Тарихдан маълумки, бу жанг жуда оғир кечган, йўқотишлар ҳам кўп бўлган.

Янглишмасам, 1975 йил 9 май байрами арафасида эди. Отамни ҳарбий коммисариатга чақириб қолишди. Маълум бўлишича, у кишига Курск остонасидаги жангга қўсатган қаҳрамонлиги учун 3-даражали «Шуҳрат» ордени берилган экан. Бироқ урушнинг жангу жадал кунлари ушбу орден топирилмай қолган, орадан 30 йил ўтиб ўз эгасини топган эди.

Отамнинг айтишича, битта жангга 1000 киши қирадиган бўлса, улардан фақат 5-10 таси жанг майдонидан соғ-омон қайтиб чиққан экан. Ким ярадор, ким ҳалок бўлганини аниқлашга вақт ҳам, имкон ҳам топилмаган.

Отам доим «Уруш балосини биз кўрдик, сизлар кўрманглар», дер эди. Бугун ҳам уруш қатнашчиларининг ҳар бири бу сўзларни такрорлайди. Илоҳим, шундай бўлсин. Аммо отам ва у кишининг қўлаб қўролдошлари бугунги фаровон кунларни, уруш қатнашчиларига қўсатилган юксак эътибор ва ғамхўрликни қўролмай кетганига афсусланаман, қалбимни армон ўртади...

Абдуманноб РАҲИМОВ,
ЎзХДП фаоли.

Миллий матбуот марказида

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

«Афросиёб» электропоездлари сони яна иккитага кўпайди

— Жамиятимиз томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 16,5 миллион тонна юк ташилди, шунингдек, 5,1 миллиондан кўпроқ йўловчи ўз манзилига етказилди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг бош менежери, бош муҳандис Ҳусниддин Холиқов. — Шунингдек, Президентимизнинг 2016 йил 23 декабрдаги қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан биринчи чорак мобайнида 196,1 миллион АҚШ доллари миқдорига капитал маблағлар ўзлаштирилди. «Қарши — Термиз» темир йўли линиясини, «Бухоро — Мискин» темир йўлини барпо этиш борасида тизимли ишлар давом эттирилмоқда. Юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоездлари сони яна иккитага кўпайди. Улар Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига ҳаракат жадвали бўйича тўлиқ қатновни амалга ошириб келмоқда.

Тадбирда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилган истиқболли лойиҳалар ҳақида, темир йўллари электрлаштириш жараёни ҳамда янги темир йўллари қуриш, пойтахтимиздаги метро қурилиш жараёнилари тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТГАНЛАР

Бугун муборак 93 ёшга тўлиб, эл-юрт хурматида, фарзандлар эъзозидан яшаётган уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Мадамин Ҳасановни республикамизда кўпчилик яхши танийди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Мадамин 17 ёшда эди. Уни Подольск шаҳридаги мерганлар курсига ўқишга юборишди. Шундан сўнг ёш жангчи фронтнинг олдинги чизигида, ҳал қилувчи нукталарида махсус топириқларни бажаришда иштирок этди. Шу ўринда саргайиб

кетган, лекин ўқиса бўладиган бир ҳужжатга эътиборингизни қаратмоқчиман: «1944 йилнинг 17 декабрида «Полепи» кишлоғининг шимолида фронт ортида қўролланган тўдани йўқотиш жанговар гуруҳи таркибда ҳаракат қилган Мадамин Ҳасанов бетақдор ботиқлик, мардлик ва жасорат


кўрсатди: кун бўйи бир неча марта юз берган қўролли тўқнашув чоғида 4 фашистни ер тишлатди, биттасини асир олди. Қўмондонлиқнинг жанговар топириқини намунали бажаргани, жасорат ҳамда мардлик кўрсатгани учун курсант — оддий аскар Мадамин Ҳасанов «Жасуриги учун» медали билан мукофотланди»...

Урушдан сўнг у ўз меҳнат фаолиятини оддий ишчи, ҳисобчиликдан бошлади. Ўтган йиллар мобайнида Андижон вилоятида, кейинчалик республикада савдо тизимида масъул вазифаларда ишлади.

Бу орада аввал ўрта, кейин олий маълумот олди, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Мадамин Ҳасанов савдо тизимининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш борасида хорижий мамлакатларнинг бир қатор илгор услубларини амалиётга жорий қилди. У 18 йил давомида қароргоҳи Лондон шаҳри бўлган Халқаро кооператив альянси Марказий Кўмитасининг аъзоси сифатида тажриба ва янгиликларни ўрганиб, уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида тинимсиз изланди.

Мадамин Ҳасанов ишларида барча вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида савдо-сотиқ расталари, озиқ-овқат дўконлари,



Суратда: Мадамин Ҳасанов (ўртада) қўролдош дўстлари билан.

маданий-маиший муассасалар бунёд этилган.


Республикамиз вилоят ва шаҳарларини бир-бири билан боғлайдиган катта автомагистраль йўл ёқаларида қурилган ўнлаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари: Ангрен ва Қўқон йўлидаги, Сирдарё бўйидаги сўлим оромгоҳлар, Сангзор, Мингчирор, Сайроб... Эҳ-ҳе, яна қанча-қанча ажойиб масканлар. Хумсон, Тошкент минерал сувлари турар жойлари ҳамда Чорвоқ сув ҳавзаси яқинида қурилиб, ишга туширилган ситхатҳо барпо этилишида Мадамин Ҳасановнинг ҳиссаси бор.

Биз юқорида Мадамин Ҳасановни қўшни давлатлар, хорижий мамлакатларни кўп ва ҳўп кезган инсон

сифатида таърифладик. Аммо хорижга қилган сафарларининг энг муҳими, бир умр эсда қоладигани бу — 1992 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилигида делегация таркибиде Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилиш, муқаддас Қабатуллоҳни таовб этиш баътига мушарраф бўлганидир.

Бугун эл ардоғида умргузаронлик қилаётган фидойи инсон шундай дорил-амон кунларга етиб келганига шўқ қилади. Юртимиз тинчлигини, халқимиз фаровонлигини Яратгандан доим сўраб дуо қилади.

Искандар РАҲМОН,
Қўролли Кучлар
фахрийси.



Огоҳлик — давр талаби!

Ички ишлар ходимлари аҳоли билан очик мулоқот ўтказди

Пойтахтимизда Ўзбекистон фуқаролигини олиш ёки ундан чиқиш, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш, биометрик паспортни расмийлаштириш, чет элга вақтинчалик чиқиш учун рухсатнома олиш қонун-қоидаларига бағишланган очик мулоқот ўтказилди. Тадбирда Наима Ташбоева билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Мулоқот бошланганига озгина вақт бор. Фурсатдан фойдаланиб у билан суҳбатлашдик.

— Мирзо Улуғбек туманидаги 209-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман, — дейди у. — Президентимизнинг жорий йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиндим. Бундан хурсандман. Уч нафар фарзандим бор. Улар мана шундай тинч, осойишта юрда вояга етатганидан жуда бахтиёрман.

Давра суҳбати мобайнида Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси, Ташки ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази масъул ходимлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи аҳоли вакиллари билан ўйланганаган муаммоларни ешитишди. Мулоқот давомида

уларнинг муножаатлари кўриб чиқилди, тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, миграция, паспорт-виза тизими, фуқаролиқни қабул қилиш ва ундан чиқиш масалалари қонун-қоидалари ҳусусида аҳолига ахборот беришди. Шунингдек, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича жиддий чора-тадбирлар қўрилатгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси бошлиги ўринбосари, подполковник Фахриддин Турсунов тизимда бўлаётган ўзгаришлар ҳамда аҳолининг биометрик паспорт

билан таъминлаш масаласидаги янгиликлар ҳусусида иштирокчиларга маълумот берди.

— Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, фуқароларга янада қўлайлик яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали масофадан туриб биометрик паспорт олиш учун навбат қуриш ва белгиланган муддатда «Биометрик маълумотларни йиғиш пункти»га ташриф буюриш мумкин бўлган хизмат тури жорий қилинди, — дейди у. — Фуқаролар Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетга кириш учун ID.UZ (www.id.uz) идентификация тизимида рўйхатдан ўтиши талаб этилиб, сўнгра www.gov.uz интернет саҳифасининг «Фуқаролик» бўлимига кириш йўли орқали биометрик паспорт хўжатлаштириш учун On-line тартибда навбатга туриши мумкин. Бу Тошкент шаҳрининг барча «Биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари»да жорий қилинган бўлиб, фуқаролар ҳамда тизимда фаолият юритаётган масъул ходимларга янада қўлайликлар яратди.

Тадбир давомида Тошкент вилоятига доимий яшашга хўжат

топириган 56 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий рўйхатга ўтиш ва яшаш гувоҳномасини бериш тўғрисида охириги хулоса чиқарилди. Яшаш жойидаги туман паспорт тизимида мурожаат қилишлари айтилди.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига биноан ота-онаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, ўзлари Ўзбекистон Республикасида туғилиб, 16 ёшга тўлиб вояга етган болаларга фуқаролик паспортлари тантанали равишда топирилди.

Мулоқот давомида, шунингдек, аҳолининг муножаатлари тингланди. Қолаверса, ушбу муножаатларни кўриб чиқиб, тезда ечимини топиш бўйича соҳа ходимларига аниқ вазифалар юқлатилди.

Дарҳақиқат, Ички ишлар ходимлари билан аҳоли ўртасидаги ўзаро ишонч мана шундай очик мулоқотлар орқали янада мустаҳкамланади. Бу эса ватанимизда тинч ва осуда ҳаёт таъминланишига хизмат қилади.

Махлиё АЛИҚУЛОВА



ЁНИЛФИ БИЛАН ЮРАДИГАН МАШИНАЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ




Ҳиндистон ёнилғи билан ишлайдиган двигатели автомобиллардан тўлиқ воз кечи, электрокарлардан фойдаланишга ўтмоқчи. Ҳукумат вакилининг таъкидлашича, 2030 йилга бориб мамлакатда бензин ёки дизель ёқилғисидан ишлайдиган бирорта машина сотилмайди.

Мутахассислар ҳукуматнинг бундай қарорини ҳавонинг ифлосланиш даражасини пасайтиришга бўлган уриниш сифатида баҳолашмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатда ҳар йили ҳавода зарарли моддалар миқдорининг кўпчилиги сабаб 2,3 миллион киши ҳаётдан кўз юмди. Бу тамаки истеъмоли туфайли вafот этаётганлар сони билан тенг.

Германия ҳам 2030 йилга бориб ёнилғи билан ишлайдиган двигатели машиналардан тўлиқ воз кечишни режалаштирмоқда.

АНТАРКТИДАДА яна бир улкан ёриқ аниқланди



Антарктидадаги Лавсен музлигида яна бир ёриқ аниқланди. У 2016 йилнинг декабрида аниқланган бошқа бир ёриқдан тахминан 10 километр масофада жойлашган. Олимларнинг фикрича, охири-оқибат музлик океанга «сирғалиб тушади» ҳамда улкан айсбергни юзга келтиради.

Янги ёриқнинг узунлиги 160 километр бўлиб, океан томонга йўналган, майдони тахминан беш минг квадрат километр бўлган бир қисм ажралиб чиқишдан далолат беради.

Ёриқ иккита сунъий йўлдош ёрдамида музлик юзасининг радиолокацион суратларини олиш жараёнида аниқланди. Улкан айсберг пайдо бўлиши денгиз сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмайди, бироқ музликнинг эриши тезлашади. Бу ҳолатга Ердаги иқлимнинг глобал ўзгариши сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

КОНЧИЛАР 1 200 МЕТР ЧУҚУРЛИҚДА қолиб кетишди



Эроннинг Гулистон вилоятидаги кўмир қонида кучли портлаш юз берган. Унинг оқибатида қондаги ўнлаб кончилар ер остида қолиб кетган.

Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги ерости шахтасида қолиб кетган 33 кишининг ҳалок бўлганини тасдиқлади. «Тасним» ахборот агентлиги хабарига кўра, портлаш ишчиларнинг хатоси туфайли содир бўлган. Сиқилган метан газини портлаш оқибатида 1 200 метр чуқурликдаги чиқиш йўллари ёпилиб қолган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳодиса жойида газ портлаш хавфи ҳамон мавжудлиги туфайли кўтқарувчиларнинг ер остига қўқурроқ кириб боришига монелик қилмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

А. САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ички ишлар ходимлари билан аҳоли ўртасидаги ўзаро ишонч мана шундай очик мулоқотлар орқали янада мустаҳкамланади.

